

**“Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals” АЖ нинг барча акциядорлари диққатига!**

“Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals” АЖ акциядорларининг 2022 йил якуни бўйича навбатдаги йиллик умумий йиғилиши 2023 йил 30 июнда бўлиб ўтади.

Умумий йиғилиш ўтказиладиган сана: **2023 йил 30 июнь соат 10<sup>00</sup>**

Йиғилиш ўтказиладиган жой: **Кўқон шаҳар Давронбек кўчаси 87-уй,**  
“Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals” АЖ

Акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун акциядорлар реестрини шакллантириш санаси: **09 июнь 2023 йил.**

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида иштирок этувчи жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санаси: **22 июнь 2023 йил.**

Акциядорларни рўйхатга олиш 30 июнь куни соат **09<sup>00</sup> да бошланади ва 10<sup>00</sup> да якунланади.**

**Умумий йиғилиш кун тартибига киритилган масалалар:**

1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши регламенти ва санақ комиссияси таркибини тасдиқлаш;
2. Жамият бош директорининг 2022 йил якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш;
3. Жамиятнинг 2022 йил молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари бўйича ташқи аудитор хулосасини тасдиқлаш;
4. Жамиятнинг 2022 йил якуни молиявий фаолиятини текшириш натижалари бўйича Тафтиш комиссияси ҳисоботини тасдиқлаш;
5. Жамият Кузатув кенгашининг 2022 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини тасдиқлаш;
6. 2022 йил якуни бўйича жамиятнинг бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисобини тасдиқлаш;
7. 2021 йилнинг тақсимланмай қолган соф фойдаси ва 2022 йил якуни соф фойдасини тақсимлаш, акциядорларга тўланадиган дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартибини тасдиқлаш.
8. Жамиятнинг 2023 йилга бизнес режасини тасдиқлаш.
9. Жамиятнинг бош директори билан тузилган меҳнат шартномасининг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш;
10. Жамиятнинг 2023 йил якуни бўйича молия-хўжалик фаолиятини мажбурий аудитор текширувидан ўтказиш учун ташқи аудиторни танлаш ва унга тўланиши лозим бўлган ҳақнинг энг юқори миқдорини белгилаш;
11. Жамиятни 2023-2024 йилга кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш ва уларга тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш;
12. Жамиятни 2023 йилга тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш;
13. 2021 йил 8-январда тузилган “Айланма маблағлар бўйича кредит шартномаси”га ушбу йиғилиш баённомасига илова қилинган (1-илова) 2023 йил 29-майдаги “Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals” АЖ томонидан мазкур йиғилиш санасидан олдин киритилган “Ўзгартиришлар ва қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги битим (Айланма маблағга ўзгартириш киритиш тўғрисида битим) шартларини ва уларда назарда тутилган битимларни тасдиқлаш ва ратификация қилиш.
14. ЕТТБ ва ХМК нинг ҳар бири билан жамият ўртасида 2020 йил 26 июнда тасдиқланган капитал кредит шартномасига ушбу баённомага илова қилинган “Indorama Kokand Fertilizers and chemicals” АЖ томонидан мазкур йиғилиш санасидан олдин тузилган “Капитал кредити шартномасига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги” битимнинг шартлари ва битимларни (2-илова) тасдиқлаш ва ратификация қилиш.
15. Умумий шартлар шартномаси бўйича мажбуриятларни таъминлаш учун тузиладиган гаров шартномаларига ўзгартиришларни ва Капитал шартномани ўзгартириш тўғрисидаги битимни тасдиқлаш.
16. Жамият Уставини янги таҳрирда тасдиқлаш.
17. Жамиятнинг аффилланган шахслари билан келгусида кундалик аффилланган шахслари билан келгусида кундалик хўжалик фаолияти жараёнида тузилиши мумкин бўлган битимни (битимларни) маъқуллаш.

**Эслатма.** Акциядорлар умумий йиғилишга ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжат билан, акциядорларнинг вакиллари ишончнома билан иштирок этишлари шарт.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига қўйилган масалалар юзасидан маълумотларни “Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals” АЖ да ҳамда e-mail: [ikf@uz.indorama.com](mailto:ikf@uz.indorama.com), [www.indoramakokandfertilizers.com](http://www.indoramakokandfertilizers.com) орқали танишишлари мумкин.  
Мурожаат учун тел: 99894 550-01-21

**МАЪМУРИЯТ**